

# ВИЛОЯТ ЁШЛАРИ

## «ИНТЕРНАЦИОНАЛ» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

БУНДАН бир неча йил бурун Янгийўл районидаги «Интернационал» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи месхети туркларининг ёппасига «кўчирилиши» хўжалик ишлаб чиқаришига жиддий салбий таъсир кўрсатган эди. Бу, айниқса, сут-товар фермасига катта зарар келтирди. Моллар деярли қаровсиз қолган ва оқибатда туберкулёз, бруцеллёз каби касалликлар чиқиб анчагина талафот ҳам кўрилди. Қолганлари эса гўштга топшириб юборилди. Шундан сўнг хўжалик бошқаруви олдида фермани қайтадан тиклаш ва зудлик билан янги кадрлар топиш, ишга жалб қилиш масаласи турарди.

Мутахассислар ферма мудирлигига қўшни колхозда зоотехник бўлиб ишлаётган, ёш бўлишига қарамасдан бу соҳада устоз чорвадорлар илмини олган Асқар Тиловбердиевни таклиф қилишди. Асқар дастлаб иккиланди, чунки фермани тиклаш ва кадрларни жамлашдек масъулиятли ишни эплай олармикинман, деган ўй унга тинчлик бермасди. Бироз фурсат ўтиб, у розилик берди. Керакли маслаҳат ва тавсияларни ўзи ишлаган фермадаги тажрибали чорвадорлардан олишни кўнглига тугиб қўйди. Лекин ишлар ҳадеганда яхшиланавермади. Бунинг учун қунт ва изланиш, ишни тадбиркорлик ва омилкорлик билан ташкил этиш зарур эди. Бу ишда унга хўжалик бошқаруви ёрдамга келди. Тезда фермага иқтидорли ёшлар жалб қилинди. Янги ишга кирганларга уй-жой ҳам ажратилди.

Фермада моллар туёғини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. 1990 йилнинг бошидаёқ Белоруссиядан 237 бош қора ола зотли мол сотиб олиб келинди. Бу ерда қорамоллар бош сони бир йил мобайнида 420 бошга кўпайтирилди. Шундан соғин сигирлар 120 бошга етказилди.

Фермада молларнинг озуқасига ҳам эътибор кучайтирилди. Ветеринария-профилактика ишлари назорат остига олинди. Чорвадорларга етарли меҳнат шароити яратиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилди. Дам олиш хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланди. Тушлик учун иссиқ овқат жорий қилинди. Бу ўз самарасини бера бошлади.

Сигирларнинг биринчи йил соғилаётганлигига қарамасдан, сут соғиб олиш кўпайди. Ярим йиллик якунига кўра, режадагидан 7 тонна кўп сут соғиб олинди.

— Суръатни шу тарзда давом эттирсак, — дейди мудир, — келгуси йилдан ҳар бош соғин сигирдан кунига 14—15 литрдан сут соғиб олишга эришамиз. Лекин бунинг учун кўп ишлашимиз керак. Сигирнинг сути тилидалигини ҳисобга олсак, бу етарли озуқа жамғариш масаласини қатъий қилиб қўяди. Шу кунгача 1050 тонна сенаж бостирилди. 1100 тонна хашак тўпланди. Фермамизда тегирмон бор. Уни ишга туширдик. Ахир, омихта емни ўзимизда тайёрлашга нима етсин.

Дарвоқе, фермада ҳозир 29 чорвадор меҳнат қилмоқда. Шундан 90 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Фермани айланиб шунга амин бўлдимки, демак, ёшларга ишонса бўлади. Чунки бу ерда ҳамма ўз ишини билиб бажармоқда. Шундай ёшлардан бири Баҳодир Абдуҳалиловдир. Унинг оталиғида 64 бош бузоқ бор. Бузоқларнинг кунлик семириши 600—700 граммга тўғри келмоқда. Унинг меҳнати ҳам ўз вақтида тақдирланди. Унга хўжалик бошқаруви томонидан бир бош бузоқ мукофот тариқасида берилди. Бундай ютуқнинг боиси нимада, деб сўраганимда у: болалик чоғларим ҳам фермада ўтган. Онам фермада ишлайди, фақат улар қўшни колхозда. Шу сабабми, мол боқишни жуда яхши кўраман, деди иймангина.

Бу ерда меҳнат қилаётган ёшлардан Равшан Нишонбоев, Энаддин Салаев, Абдуҳошим Эгамтоевларнинг меҳнатлари ҳам мақтовга сазовордир. Фермада ишнинг қаловини топган бундай ёшларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли дастлабки ярим йилликда хўжалик 76 минг сўм даромад олди. Чорвадорларнинг ўртача ойлик маошлари ҳам 450—500 сўмни ташкил қилмоқда.

Фермадан қайтарканман, хўжалик фаолларидан бири Асаджон Солиҳовнинг бир гапи ёдимга тушди: «Улар «Интернационал» жамоа хўжалигида янгидан ташкил топган ферманинг илк қалдирғочларидир».

**Х. ШАФОАТОВ.**

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

**ЯҚИНДА Бекобод ноҳиясида педагогика билим юрти талабалари ёш шоирлар Амирқул Каримов ва Абдужалил Хўжамовлар билан учрашдилар. Ёш шоирлар ўз ижодларидан намуналар ўқиб бериш билан бирга талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар, ўзлари фаолият кўрсатаётган «Ёш куч» ва «Ёшлик» ойномаларининг янги йилдаги режалари, ҳақида сўзлаб беришди. Шунингдек, талабалар ҳам ўз шеър машқларидан намуналар ўқиб беришди. Тадбир кўпчиликда катта таассурот қолдирди.**

## НАВ-НИҲОЛНИ КЎРДИМ УНДА

«Халқнинг келажагини кўрмоқчи бўлсанг, ёшларга боқ» деган экан донишмандлардан бири. «Ижодкор талаба ёшлар маркази» келажак орзуларини ўйлаб тузилганди. Пойтахтдаги талабалар шаҳарчасида ғарибона кун кечираётган бу марказ катта бир бинонинг кичкинагина хонасига жойлашган экан. Эшикда қулф. Сўраб-суриштириб марказ раиси Зокиржон Худойбердиевни топдик. У бизни ўз хонасига бошлади. Хона деворлари марказ ҳаётига оид сурат-лавҳалар билан ифодаланган. Бурчакда қисилиб турган стол устида қоғозлар тўзиб ётарди. Шундай эзгу ишлар, ажойиб ғоялар тор «кошона»ларда вужудга келишига яна бир карра амин бўлдим.

Бир пайтлари «Қувноқлар ва зукколар» деган кўрсатув бўлар эди. Унда олий ўқув юртларининг командалари беллашар эди. Политехника олий билимгоҳининг (ҳозир дорилфунун) «Муҳандис» деб номланган жамоаси ҳам унда қатнашган. Ўша жамоа негизида марказ ташкил топганлигини девордаги суратлардан билиб олиш қийин эмас. Марказни ташкил қилиш учун елиб-югурганлардан бири Зокиржон Худойбердиев ҳам ўша «Муҳандис»нинг сардори.

Ундан марказ ташкил топиши ҳақида сўраганимизда, у бир қанча оқ-қорани таниган кишилардан маслаҳат сўраганини, бироқ кўпгина мутасадди ташкилотлар бу ишга бефарқ қарашганини айтди. Яхшиямки, яхшилар бор экан.

Хўш, марказ нимага керак?

Талаба-ёшлар орасида бир қанча истеъдодлар бор. Унинг асосий вазифаларидан бири уларни аниқлаш ва катта саҳнага чиқишларига кўмак беришдан иборат. Ҳозирги ёшларимиз негадир миллий мусиқа сеҳрини, жозибасини англаш у ёқда турсин, тинглашга энсаси қотадиган бўлиб қолишган. Унинг албатта ўзига хос сабаблари бор. Бироқ гап бунда эмас. Маълумки, маданият бўлмаган жойда маърифат ҳам бўлмайди. Маърифатсиз эса... Шунинг учун ҳам марказ керак. Бугунги кунда у бир қанча тадбирларни амалга оширди. Мана икки йилдирки, «Истиқбол» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Лекин марказнинг ўз маблағи йўқ. Шундай бўлса-да, ўзим емасам ҳам, болам есин қабилида иш тутган. Гоҳ «Гулдаста» овоз ёзиш студияси билан, гоҳ дорилфунун маданият саройи билан ҳамкорлик қилиб кун кечирмоқда. Яхшиямки, техника дорилфунунининг касаба уюшмаси, Собир Раҳимов ноҳиясининг мутасаддилари бор экан...

Зокиржон билан узоқ суҳбатлашдик. У менга марказнинг келажаги, яқин кунларда қилмоқчи бўлган ишлари ҳақида сўзлаб берди. Гап орасида олдимга бир ҳужжатни қўйди. Ўқийман: «Жумҳурият ижодкор талаба-ёшлар марказининг Низоми». Мен шундагина марказ энди тузилаётганини ўйладим ва у бутун жумҳурият ёшларига хизмат қилишини ҳаёл қилиб негадир севиндим. Марказ камчиликларини қоғозга туширишга журъат этолмадим. Зеро, эндигина тетапоя бўлиб қаддини тиклаётган «болакай»нинг камчиликлари ҳам ўзига яраша бўлади-да. Нима бўлганда ҳам марказнинг борлигига шукур. Унда ўзликни — баҳор ўтиб кетган бўлса-да, нишона гуллаётган ниҳолни кўрдим.

**Тўлқин РУЗИЕВ, ТошДД толиби.**

*ҲАР КИМНИ ШУ. КУНЛАРГА ЕТКАЗСИН!*

В. ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.



## ЮЛДУЗЛАР СЎНМАЙДИ

• ХОТИРА •

Нуриддин Алимбоев, Хурсанали Ўрозалиев, Абдумалик Сарсенбоев, Фахриддин Евинов, Юрий Ким, Наримон Бекеров, Орифжон Мирзааҳмедов, Абдусамат Бекназаров... Ўн гулидан бири очилмаган бу ёш йигитлар районимиздан ҳарбий хизматга отланган эдилар. Афғон ерида ўз байналмилал бурчларини ўтаётиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган бу йигитлар ҳақида ҳар қанча гапирсанг арзийди. Биз учун улар ҳамиша барҳаётдирлар. Бугун ана шу йигитлардан бири Нуриддин Алимбоев хотирасини ёдга олмоқчимиз...

Нуриддин Алимбоевнинг ҳам орзулари барча тенгдошлари каби оламга сиғмасди. Бироқ — орамиздан эрта кетди. Биз тириклар хотирасида у мангу ўн тўққиз ёшли ўспиринлигича муҳрланиб қолди. Нуриддин 1965 йил Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» жамоа хўжалигининг «III-Интернационал» даҳасида ҳайдовчи оиласида дунёга келди. Унинг болалик йиллари ҳам шу ерда ўтди. У 1980 йил райондаги В. Овечкин номидаги 10-ўрта мактабнинг 8-синфини тугаллаб, Паркент районидаги 41-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди. Бу ерда у бульдозерчилик курси бўйича таълим олди.

1983 йилда Нуриддин кўпчилик дўстлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди. Авалига у Термиз шаҳрида ҳарбий тайёргарликда чиниқди.

1984 йилнинг апрель ойи ўрталарида негадир тез-тез келиб турадиган хатлар бирдан тўхтади. Гулзипа опа ва Йўлдош акаларнинг кўзлари безовта эшикка тикилди. «Бугун хат келармикан?!» дея улар қишлоқ хат ташувчисини интизорлик билан кутишарди.

Баҳор кунларининг бирида кечга яқин Гулзипа опа овқат қилиш учун уннаётган эди. Эшикдан хат ташувчи кириб келди. Гулзипа опанинг чеҳраси ёришди, ичичидан қувонди. Хатни олиб очаркан, қўллари титраб кетди. «Афғонистондан алангали салом» деган сўзларни ўқиб мажолсиз ўтириб қолди. Бироз тин олиб, хатнинг давомини ўқий бошлади. Овози титраб чиқар, кўзларидан қайноқ кўз ёшлари сизарди. Гулзипа опа хатни охиригача ўқиб чиқди. «Ҳайрият, омон экан!» дея шивирлади.

1984 йилнинг июль ойи охирларида Нуриддин Алимбоев хизмат қилаётган десантчилар ротаси Қуддус вилоятини душманлардан озод этиш учун шиддатли жанглар олиб боришарди. Ана шу жангларда у ўзининг бир қанча жанговар дўстларидан айрилди. Аммо Қуддусда яшириниб олган душман тўдаларини қувиб чиқаришиб, тор-мор келтирдилар. Шу жангда кўрсатган жасорати туфайли Нуриддин «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Орадан ойлар ўтди. Нуриддиннинг уйига қайтишига ҳам олти ойга яқин вақт қолган эди.

1985 йил 26 май... Нуриддин Алимбоев хизмат қилаётган десантчилар ротаси ўша куни Қобулга келаётган машиналар колоннасини кутиб олиш учун тоққа чиқдилар. Икки тоғ орасидан машиналар колоннаси кўринарди. Лекин тоғлар орасида душман тўдалари писиб ётганлигини ҳеч ким билмасди. Нуриддин билан бирга яна 40 нафар жанговар дўстлари машина колоннасини ҳеч бир талафотсиз ўтказишиб, Қобулга қайтаётганларида душманлар пистирмасига дуч келишди. Қулай жойга ўрнашиб олган босмачи тўдалари аскарларимизни бирма-бир ўққа тутишди. Жасур йигитларимиз ҳам сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қилишди. Лекин икки тоғ орасида қуршовда қолган жангчиларимизнинг 40 нафари мардларча ҳалок бўлишди. Улар орасида Нуриддин ҳам бор эди. Нуриддин Алимбоев ўлимидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди.

Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини ўтаётган Нуриддин Алимбоевнинг хизмат пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақидаги нохуш хабар қишлоқ бўйлаб яшин тезлигида тарқалди. Гулзипа опа ва Йўлдош ака ўзларининг навқирон ўғиллари Нуриддиндан бир умрга ажралиб қолдилар. Онанинг не-не орзу-умидлар қилиб, армиядаги ўғлига ва бўлажак келинига атаб олган саруполари ҳам сандиққа солинганича қолиб кетди. Инсон учун бундан ортиқ мусибат бўлмаса керак.

Мен Нуриддин Алимбоев ҳақида мақола ёзиш мақсадида у яшаган хонадонда бўлдим, Гулзипа опа кутиб олди. Фарзанд доғи Гулзипа опанинг қадди-қоматини букиб, сочларига барвақт оқ туширибди. У ўғлидан келган бир неча хат ва суратларни ёдгорлик сифатида кўз қорачиғидек асрамоқда экан. Уларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим. Гулзипа опа кўзида ёш билан ўғли ҳақида гапирди.

Район раҳбарияти қарори билан Нуриддин Алимбоев туғилиб ўсган «Политотдел» жамоа хўжалиги «III-Интернационал» даҳасидаги Тельман кўчасининг 1-тор кўчасига унинг номи қўйилди. Нуриддин ўқиган В. Овечкин номли 10-ўрта мактаб педагог ва ўқувчилар жамоаси қарори билан мактаб дружинасининг 7-Б-синф ўқувчилари отрядига ҳам унинг номи берилди. Бундай ҳайрли ишлар бироз бўлсада қалбларга тасалли беради.

Нуриддин ва у каби юзлаб шўро аскарлари бурчга садоқат намуналарини кўрсатдилар. Халқимиз уларнинг кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликларини ҳеч қачон унутмайди. Нуриддин каби мард йигитларимизнинг юлдузлари ҳеч қачон сўнмайди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## НАВОИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ



**КЕЙИНГИ** давр мобайнида вилоятнинг бир қанча шаҳар ва ноҳияларида ёшлар ўртасида навоийхонлик, ғазалхонлик кечалари, «Латофат», «Иқбол» каби кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Жумладан, Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида, Калинин, Тошкент, Янгийўл, Паркент ноҳияларида ана шундай тадбирлар ўтказилди. Бўка ноҳиясида ёш ижрочи хонандаларнинг «Камолот-91» кўрик-танлови ўтказилди. Икки босқичдан иборат бўлган бу танловда иштирокчилар асосан Навоий ғазаллари асосида ижро этиладиган қўшиқлар билан қатнашдилар.

Булардан ташқари Тошкент, Бекобод ноҳияларида навоийшунос олимлар, шоирлар ва ёзувчиларнинг ёшлар билан учрашувлари уюштирилди. Бўстонлиқ ноҳиясида Навоий ижоди бўйича энг яхши шеърлар, мақолалар, асарларни деворий рўзномаларда ёритиш кўриги эълон қилинди. Энг яхши асар ва энг яхши деворий рўзнома учун 250 сўмдан пул мукофотлари ажратилди. Ленинобод вилояти Нов ноҳияси ҳамда вилоятимизнинг Оққўрғон ноҳиялари соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Қувноқлар ва зукколар» беллашувининг шартлари ҳам Навоий ижодига бағишланди.

Бундай байрам тантаналари, тадбирлар деярли барча мактабларда, ташкилот ва корхоналарда ўтказилмоқда. Кечаларни уюштиришда ёшлар фаол иштирок этаётганлари қувончли ҳолдир.

**А. НИШОНОВ.**

• *Мулоҳаза учун мавзу* •

## АЁЛГА ТОШ ОТМАНГ!

**ИНҚИЛОБ шарофати билан Ўрта Осиё қиз-жувонларининг юзларидаги паранжи-чиммат олинди. Ҳа, етмиш йилдан кўпроқ шундай ўйлаб келдик. Бугун эса кўзимизни бундоқ очиб қарасак, чиммат билан бирга шарму ҳаё ҳам кетиб қолай дебди. Ҳар қалай шунақа мулоҳазалар билдириляпти. Хўш, аслида ҳам шундайми? Мен бу мулоҳазаларга у қадар қўшилиша олмайман. Ҳатто ҳамма қора кунларимизнинг бошланиши — Октябрь инқилобидан деб жар солаётган айрим нотиқларни ёқламайман ҳам. Келинг, мавзудан чалғимайлигу, гапни «паранжи-чиммат» ҳақида давом эттиравералик. Хўш, чиндан ҳам аёлларимиз, қизларимиз одоб-ахлоқ доирасидан четлаб кетдиларми? Қадимдан бир ҳикмат қолган: «Тоза асал айнамас!» Қиз-жувонлар шаънига билиб-билмай тош отаётганлар шу ҳикматнинг мағзини чақиб кўрсалар ёмон бўлмасди.**

Айримлар: «Аёллар шарму ҳаёни йўқотиб қўймоқда, фоҳишалар кундан-кун кўпайиб кетаяпти!» — деб, яна: «Инқилобдан аввал ундай эди, инқилобгача бундай эди», — дея «сано» ҳам ўқиб қўйишади. Инқилобдан аввал чиндан ҳам юртимизда фоҳишалар йўқмиди? Аксинча, инқилобгача (гарчи маҳфий бўлса-да!) исловатхоналар бўлган. Нафақат, исловатхона, балки «баччабоз»лик учун махсус жойлар бўлган. Тўғри, ундай жойларнинг ташкилотчиларию аъзолари, мижозлари қўлга тушиб қолсалар, қаттиқ жазоланганлар, қатл қилинганлар. Лекин бирининг ўрнини бошқаси эгаллайверган. Энди ўша даврдаги фоҳишахоналар ҳақида икки оғиз сўз. У ернинг аъзолари асосан бошқа шаҳарлардан келтирилган ё келган аёллардан иборат бўлиб, маҳаллий аёллар жуда озчиликни ташкил қилган. Маҳаллий табақадан асосан айрим яллачиларгина фоҳишахоналарга ҳуфёна аъзо бўлганлар, холос.

Ҳозир-чи? Ҳозир ҳам яширин фоҳишахоналар истаганча топилади. Ишонтириб айтаманки, у ерлардаги 70—80 фоиз ҳар ёқлардан келиб қолган енгилтак аёллар, турли миллат вакилларидир. Энди инсоф билан айтинг-чи, ўндан ортиқ вилоятдан иборат Ўзбекистонимиз аёллари шаънига тош отишимиз тўғрими? Ахир, бир этак болага қўшиб бутун мамлакатни боқиш учун даладан бери келмай, йил-ўн икки ой қадди ёйдек эгик меҳнат қилиб, охир-оқибат аҳлоқсиз бўлиб қолдими?

Ҳамма коммунал шарт-шароитларга эга пойтахт уйларида яшаб, охорли кийим кийиб, шаҳарнинг қоқ киндигидаги каттакон идораларда ишлаб, кейинги 4—5 йилда меҳнат кишиларидан деярли узилишиб қолган эканман. Яқинда сездим буни. Бир неча чекка ноҳияларда бўлиб қайтдим. Ва: «Аёлнинг паранжи-чимматини олгунча аввал кетмонларга мотор ўрнатсак, пахтани олмага ўхшаб дарахтда ўсадиган қилсак бўлмасмиди?» деб ўйладим.

Бу сафар қишлоқ жойга чиққанимда, баҳор фасли эди. Ипак қурти боқилаётган вақт. Ҳайхотдек ҳовлидаги каттагина хонани қуртларга бўшатиб, жой қилинган экан. Бир қучоқ шох-шабба орқасида кўринмай, пилдираб кетаётган қизча ишини тугатгач, гапга солдим:

— Отинг нима?

У чиройли кийим кийиб, ялтироқ бўйинбоғ таққан «шаҳарлик олифта»га тик қарай олмай, зўрға жавоб берди:

— Насиба.

— Неча ёшдасан?

— Ёзда ўнга тўламан.

— Мактабда ҳам ўқисанг керак?

— Ҳм, 3-синфни тугатаяпман.

— Ипак қуртидан ташқари далада ҳам ишлайсанми? Уй ишларига ҳам қарашасанми?

— Ҳм, чопиққа чиқаман, молларга ўт юламан, уйда опамга қарашаман.

— Қандай китобларни ўқигансан, кимнинг шеърларини ёд биласан?

— Тилла балиқ ҳақидаги китобни ўқиганман.

У бироз жим қолди, чамамда ёд биладиган шеърини эслашга ҳаракат қилиб кўрди.

— Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

Қизча елкасини сиқиб, жим тураверди.

НАСИБА! Чиройли, маъноли исм. Аммо болалигиданоқ унинг насибаси фақат жисмоний меҳнат бўлиб турибди. Қишлоқ оралаб икки соатча юрдим. Қайси хонадонга қарамай, ҳаммасида меҳнат, меҳнат! Булар қачон ҳордиқ чиқаради ўзи? Тонг қоронғуси, соат 4 лар. Икки нафар қиз шошиб-пишиб келаяпти. Икковини ҳам яхши танийман. Улар тенгдош, бир йил аввал мактабни тугатишган. Исмлари Зеби, Бўстон. Узр сўраб тўхтатдим.

— Қизлар, шу маҳалда қаёққа кетаяпсизлар?

Бўстон:

— Меҳмон, биз фермага сут соғишга кетяпмиз, — деб жавоб берди.

— Ҳар куни шунақа барвақт турасизларми?

Улар кулиб юборишди.

— Сигирлар ҳар куни сут беради-да, меҳмон, — деди яна Бўстон.

Соат саккизлардан ошганда у яшайдиган хонадонга кирдим. Бўстон, 3—4 ёшлар чамаси бола ва уларнинг биз момо деб атайдиган бувиси нонушта қилиб ўтиришибди.

— Келинг, меҳмон, — қиз ўрнидан туриб, мени юқорига таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, гап бошладим:

— Ишингиз зўр экан, барвақт битириб келиб, кейин бемалол кун бўйи дам олар экансиз.

Қиз кулди.

— Йўқ, ака, — деди жиддий тортиб, — ҳозир чой ичиб бўлиб, молларга қарайман, уй йиғаман, қуртлардан хабар оламан. Яна фермага бориш керак. Қисқаси, иш етарлик.

Мен сал кечроқ бўлсада, узрхоҳлик қилдим:

— Айбга буюрмайсизлар, уйда эркаклар бўлмаса ҳам кириб келавердим.

Момо эътироз билдирди:

— Тошканлик улимди ули-я, сени мана шу неварамдек паллангдан биламан. Шулар қатори бир неварамсан-да.

Болалигимда бу ерларга кўп келганман. Лекин ўйин билан, эшак миниш билан овора бўлиб, қишлоқ ҳаётига ҳеч эътибор қилмаган эканман.

Автобусда кетаяпману ўйлайман: «Қанча қишлоқларда бўлдим, лекин бирор марта фалон жойда фоҳиша бор деган гапни эшитганим йўқ. Бирор марта, ҳатто ёзнинг жазирамасида ҳам, лозимсиз, ёнию орқаси бир ярим қарич йиртилган калта юбкада, енгсиз кўйлакда, сийна қисмини «кўз-кўз» қилиб, афти-башарасига бўёқ чаплаб, қилпиллаб кўчага чиққан қизни, аёлни учратганим йўқ!»

Баъзида хонанданинг «Узун кўйлак туркман қизга уйланаман!» деб хониш қилиб қолгани қулоққа чалинади. Қандай қизга уйланиш ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Лекин бундай «байналмилал оила бошлиғи бўлиш орзусини» ўз миллати қизларини камситмасдан ҳам амалга ошириш мумкин-ку!

Мен мақола бошланишида тоза асал айнамайди деган ҳикматни келтиргандим. Айнигани асал бўлмайди. Демоқчиманки, аёллар ҳақида, айниқса, фоҳишалар мавзусида гапиришдан олдин АЁЛ деган сўз ортида тонг қоронғусида фермага кетаётган, жазирама иссиқда чопиқ қилаётган, ўзи оддий матодан кўйлак кийиб ипак қуртига барг солаётган, юзлари офтобдан қорайиб, товони кирза этикдан, қўллари кетмону ўроқ дастасидан қадоқ бўлган ўн минглаб, миллионлаб ўзбек аёллари ҳам бор эканлигини унутмайлик.

Гапнинг очиғи, ўша фоҳишалар ҳақида ёзаётган, гапираётганларнинг аксари бирорта фоҳишанинг келиб чиқиши, турмуш тарзи билан яқиндан таниш эмаслар. Улар учун тирикчилик қилиб тўйма-тўй юрган раққоса ҳам, меҳмонхонаю ресторанларда баданини бозорга солаётган танноз ҳам бир. Менимча, ҳатто буларнинг орасида ҳам катта фарқ бор.

**Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарийлар?**

**Дилмурод САИДОВ.**

